

iqтisodiy rivojlanish va qishloq joylarining ijtimoiy farovonligini yaxshilash uchun ham muhimdir. Bundan tashqari qishloq aholisining chorvachilik bo'yicha bilimlarini oshirish, ularni zamonaviy texnologiyalar bilan tanishtirish, davlat tomonidan chorvachilikni rivojlantirish uchun qabul qilingan dasturlarni amalga oshirish, subsidiya va boshqa qo'llab-quvvatlashlar ko'rsatish, hayvonlarni bo'rdoqilash jarayonida innovatsion texnologiyalarni joriy etish, masalan, genetik modifikatsiya yoki yangi parhezlarni qo'llash orqali natijalarni oshirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh. 2019 yil 28 martdagi «Veterinariya va chorvachilik sohasida davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PF-5696-son farmoni
2. Mirziyoyev Sh. 2017 yil 7 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947 - son farmoni.
3. Mirziyoyev Sh. 2017 yil 16 martdagi "Chorvachilikda iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirishga doir qo'shimcha chora- tadbirlar to'g'risida"gi PQ-2841-son qarori.
4. Turkiya Respublikasi "Oziq-ovqat qishloq xo'jaligi vazirligi" hamda "Denizbank" hamkorligida tayyorlangan "100 takitob"dan iborat to'plami.
5. Nosirov U.N., Maqsudov I., Dosmuxamedova M.X. O'zbekistonda qoramolchilikni rivojlantirish omillari. – Toshkent, 2016.
6. Hamraqulov R., Karibaev K. Qishloq xo'jalik hayvonlarini oziqlantirish. – Toshkent, 1999.
7. Hamidov X.A., Kats M. Dehqon xo'jaliklarida qoramol- larni parvarishlash va mahsulot yetishtirish bo'yicha amaliy tavsiyalar. – Toshkent, 2011.
8. Hamidov X.A. Veterinariya amaliy maslahatlar. – Toshkent, 2011.

ГҶШТ ВА СУТ ЙУНАЛИШИДАГИ ҚОРАМОЛЛАРГА ОЗУҚА ҚИЙМАТИНИНГ ТАЪСИРИ

Тлеубаева З.С., Есхожаева Ж.Е., Омарова М.Е.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали

Аннотация. Республикада аҳоли жон бошига қорамоллар 0,38 бошдан, сут ишлаб чиқариш 197 килограммдан ва гўшт 21 килограммдан тўғри келмоқда. Медицина нормасига нисбатан таъминлаш 2,64 ва 4,0 бараварга кам. Демак, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш мустақиллигига эришишдек устувор вазифа ўз ечимини кутмоқда. Инсон организими кунига 30 грамм гўшт оқсилга эҳтиёжсезади. Бу эҳтиёжни асосан гўшт ва гўшт маҳсулотлари орқали қондиради. Етиштирилаётган гўшт маҳсулоти асосан қорамоллардан олинади.

Калит сузлар. Чорвачилик, иктисодий, фермер, ислухотлар, гўшт, қорамолчилик, хомашё, деҳқон, сут, тери

Annotation. The number of cattle per capita in the republic is 0.38, milk production is 197 kilograms, and meat is 21 kilograms. Compared to the standard of medicine, provision is 2.64 and 4.0 times less. Therefore, the priority task of achieving the independence of production of livestock products is waiting for its solution. The human body needs 30 grams of meat protein per day. This need is met mainly through meat and meat products. Produced meat products are obtained mainly from cattle.

Key words. Livestock, economic, farmer, reforms, meat, cattle, raw materials, farmer, dairy, leather

Аннотация. Поголовье крупного рогатого скота на душу населения в республике составляет 0,38, производство молока – 197 килограмм, мяса – 21 килограмм. По сравнению с нормативом медицины обеспеченность в 2,64 и 4,0 раза меньше. Поэтому приоритетная задача достижения независимости производства продукции животноводства ждет своего решения. Человеческому организму необходимо 30 граммов мясного белка в день. Эта потребность удовлетворяется в основном за счет мяса и мясных продуктов. Производимая мясная продукция получается преимущественно от крупного рогатого скота.

Ключевые слова. Домашний скот, экономика, фермер, реформы, мясо, крупный рогатый скот, сырье, фермер, молочные продукты, кожа

Кириш. Ўзбекистонда иктисодий ислухотлар самарасида турли мулкчилик ва хўжалик юритиш тизими такомиллашиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлар етиштиришда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари иктисодий барқарорликнинг қудратли омилига айланмоқда. Чорвачилик озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг улуши мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 46,5 фоизини ташкил этмоқда. Қорамолчилик чорвачиликнинг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, аҳолини сут ва гўшт маҳсулотлари ҳамда енгилсаноатни тери ва бошқа хомашё билан таъминлашда устуворликка эга. Етиштирилаётган сутнинг 98 фоизи ва гўштнинг 63 фоизи қорамолчиликка тўғри келади. Чорвачилик хусусан, қорамолчиликни ривожлантиришга республикада алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Мустақиллик йилларида соҳани ривожлантириш тенденцияси янада кўтарилиб бормоқда. Ушбу ижобий натижаларга эришишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сонли қарорларда ҳамда 2019 йил 28 мартдаги Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5696-сон Фармони асос бўлади.

Тадқиқотнинг мақсади. Бизнинг мақсадимиз қорамолчилик фермер хўжалиги шараоитида сут ва гўшт йуналишидаги қорамолларнинг сақланувчанлигини урганишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Зоотехникавий, биологик, ва статистик усулда олиб борилди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқот ишлари натижаларига кура, тажрибадаги қорамолларнинг озуқа самарадорлиги турли даврларда сақланувчанлигини ўрганиш 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Озуқа самарадорлигини ҳисоблаш

Қорамолларнинг сонива айрим маълумотлар	Чорванинг вазни (кг)	30 кундан кейинги вазни (кг)	Вазн ортиши
1	36	160	196
2	33	173	206
3	33	185	218
4	36	190	226
5	38	170	208
6	35	165	200
7	39	183	222
8	37	182	219
9	34	176	210
10	196	235	39
Умумий (кг)	1780	2140	360
Гуруҳнинг кунлик тана вазни ортиши (кг)			12
Қорамолларнинг кунлик вазн ортиши (кг)			1,2
Умумий озуқа сарфи (кг)			2160
Гуруҳнинг кунлик озуқа сарфи (кг)			72
Қорамол бошига тўғри келадиган озуқа сарфи (кг)			7,2
1 кг вазн олиши учун сарфланадиган озуқа бирлиги			6

Хулоса. Озуқадан фойдаланиш бу чорванинг 1 килограмм вазнолиш учун истеъмол қилинган озуқа миқдорига айтилади. Бир килограмм тана вазни олиш учун ўртача озуқа истеъмоли бериладиган озуқанинг сифати, қорамолларнинг зоти, жинсига ва ёшига кўра ўзгариб туради, лекин одатда бир килограмм тирик вазн ўсиши учун ўртача 6-8 озуқа бирлигини ташкил қилади. Агар 9-10 озуқа бирлигидан ошиб кетса, ундабоқиб қимматга тушади.

Озуқа бирлиги – озуқаларнинг умумий тўйимлилигини ўлчайдиган бирликдир. Ундан турли хил озуқаларнинг бир-бирига нисбатан тўйимлилик даражасини аниқлашда фойдаланилади. Озуқаларнинг умумий тўйимлилигини ўлчаш учун ўртача сифатли 1 кг, қуруқ сули донининг тўйимлилиги, бошқача қилиб айтганда 1 кг стандарт сули донининг катта ёшдаги қорамолларга тўйимлилик таъсири андоза қилиб олинган ва озуқа бирлиги деб аталади. Озуқалардаги тўйимли моддалар – озуқаларда сақланадиган ва чорва моллари озиқланиши учун зарур бўлган органик ва минерал моддалар протеин (оқсил), ёғ, клетчатка, азотсиз экстрактив

моддалар, макро ва микроэлементлар тушунилади. Масалан, 1 кг беда пичанида 0.44 озука бирлиги 830 г курук модда, 144 гр хом протеин, 101 гр ҳазмланувчи протеин, 22 г хом ёғ, 253 г хом клетчатка, шунингдек, муайян миқдорда минерал ва витаминлар мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. 2019 йил 28 мартдаги «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5696-сон Фармони
2. Мирзиёев Ш. 2019 йил 18 мартдаги. "Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4243-сон қарори
3. Мирзиёев Ш. 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 - сон Фармони.
4. Мирзиёев Ш. 2017 йил 16 мартдаги "Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-2841-сон қарори.
5. Туркия Республикаси “Озиқ-овқат қишлоқ хўжалиги вазирлиги” ҳамда “Denizbank” ҳамкорлигида тайёрланган “100 та китоб”дан иборат тўплами.
6. Носиров У.Н., Мақсудов И., Досмухамедова М.Х. Ўзбекистонда қорамолчилиқни ривожлантириш омиллари. – Тошкент, 2016.
7. Носиров У.Н. Қорамолчилик. – Тошкент, 2001.

QORAQALPOG‘ISTON SHAROITIDA URCHITILAYOTGAN TOVUQ KROSSLARNING TURLI DAVRDA SAQLANUVCHANLIK XUSUSIYATLARI

Alimbaev B., Aitjanov R., Eshniyazova J.

Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti Nukus filiali

Annotatsiya. Bizning tajriba ishlarimizda yosh jo‘jalarning parvarishlash davrida saqlanuvchanlik darajasi Lohmann brown-classic tovuqlarida 97,4 %-ni tashkil qilgan bo‘lsa, tuxum qo‘yish davrida esa, 92,5 %-ga teng bo‘ldi. Ushbu ko‘rsatkich Lohmann sandy tovuqlarida shunga mos ravishda 92,5 va 94,1 %-ni tashkil qilib, parvarishlash davrida 0,8 %-ga Lohmann brown-classic jo‘jalari ustunlik qildi. Tuxum qo‘yish davrida Lohmann sandy tovuqlari ko‘rsatkichlar yuqori bo‘lib 94,1% Lohmann brown-classic tovuqlariga nisbatan 1,6 %-ga ustunlik qildi. Lohmann brown-classic va Lohmann sandy krosslariga mansub parrandalarning turli davrlarda saqlanuvchanlik ko‘rsatkichlari bo‘yicha olingan ma’lumotlar xulosalar keltirilgan.

Kalit so‘zlar. O‘sish, harorat, parvarish, classic, jo‘ja, havo, mahsulot.

Аннотация. В наших опытах сохранность молодняка в период содержания составила у кур Ломанн браун-классик 97,4%, в период